Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Шу йил 19-20 июль кунлари Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган «6+2» гуруҳининг юқори даражадаги учрашувига таклиф этиб 1999 йил 12 июлда йўллаган мактубингиз учун ташаккур.

Сизни мамлакатингиз пойтахтида «6+2» гуруҳи аъзоларининг юқори даражадаги учрашувини ўтказиш борасида келишувга эришилгани билан табриклайман. Сиз Жаноби Олийлари бу учрашувни ўтказиш учун жуда кўп вақт ва куч сарфлаганингиздан хабардорман ва бунинг учун Сиздан миннатдорман. Ишончингиз комил бўлсинки, мен бу учрашувнинг муваффақиятини таъминлашда Сиз билан ҳамкорликка тайёрман. Тошкентта шу кунлари шахсан ўзим бора олмаслигим сабабли, учрашувда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан Махсус вакилим, элчи Лахдар Брахими иштирок этади.

Афғонистондаги фуқаролар уруши узоқ вақтдан буён давом этмоқда. Мен Сизнинг Афғонистон можароси бу минтақадагина эмас, ундан ташқарида ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани борасидаги ташвишингизга шерикман. Сизнинг бу низо фақат сиёсий музокаралар йўли билангина ҳал этилиши мумкинлиги ҳақидаги фикрингизга тўла қўшиламан. Шу муносабат билан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги фаолиятини, хусусан, менинг Махсус вакилим, элчи Брахими фаолиятини қатъий қўллаб-қувватлаганингиз учун Сиздан миннатдорман.

Камоли эҳтиромимни қабул этгайсиз, Жаноби Олийлари.

Кофи АННАН,
БМТ Бош котиби.

Покистон Исломи Республикаси Бош вазири Навоз Шариф Жаноби Олийларининг номаси

Тошкентда ўтказилаётган «6+2» гуруҳининг мазкур учрашуви Афғонистондаги можарони ҳал қилиш ниҳоятда муҳим ва долзарб эканидан далолат. Таассуфки, йигирма йилдан бери Афғонистонда тинчлик йўқ. Бу давр мобайнида Афғонистон халқи бошига мислсиз азоб-уқубатлар тушди, уруш мамлакатни вайрон қилди. Мана энди халқаро ҳамжамият Афғонистонда тинчликни тиклаб, бу мамлакатнинг иқтисодий инфратузилмасини оёққа турғазиш учун ўз саъй-ҳаракатини бирлаштириши лозим бўлган вақт келди.

Мен раҳбарлик қилаётган ҳукумат Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишнинг тўла тарафдоридир. Покистон ўз ташаббусларини илгари суришдан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ислом Конференцияси Ташкилоти билан тинчлик жараёнини амалга оширишда кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биз Афғонистон муаммосининг сиёсий ечимини қидиришга бағишланган «6+2» гуруҳи фаолиятини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари раҳбарлигида ўтаётган «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатиш бўйича барчамизнинг ҳамкор саъй-ҳаракатларимиздаги муҳим босқич бўлади.

Афғонистон муаммоларига бағишланган «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви иштирокчиларига

Тожикистон қўшни Афғонистонда тинчлик, миллий тотувлик ва барқарорлик ўрнатиш масалаларига алоҳида муҳим аҳамият беради.

БМТ шафелигида ўтказилаётган, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш йўлларини қидиришга қаратилган «6+2» гуруҳида иштирок этаётган мамлакатларнинг саъй-ҳаракатлари самарали бўлади ҳамда жафокаш афғон заминида тинчлик қарор топишига кўмаклашади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Афғонистондаги барча қарама-қарши томонларни баҳсли масалаларни қурол ишлатиш йўли билан ечишга интилишнинг самарасиз эканини идрок қилишга, жаҳон ҳамжамиятининг даъватларига қулоқ солиб, музокаралар бошлашга чақираман. Ишончим комилки, бу қанча тез рўй берса, Афғонистон учун ҳам, бутун минтақамиз учун ҳам шунча яхши бўлади.

Мен жаҳон ҳамжамиятини Афғонистон муаммоларига эътиборни кучайтириш ҳамда Тошкент учрашувида эришилажак келишувларни қўллаб-қувватлашга чақираман.

Сизга, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича ўтказилаётган Тошкент учрашувининг барча иштирокчиларига ушбу ҳайрли ишда муваффақият тилайман.

Имомали РАҲМОНОВ,
Тожикистон Республикаси Президенти.

Президент ҳузурида қабул

19 июль куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Дўрмон» қароргоҳида «6+2» гуруҳи учрашувида қатнашаётган Эрон делегациясининг раҳбари, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Завад Зарифни қабул қилди.

Юртбошимиз Тошкент учрашувида иштирок этаётгани учун Эрон делегациясига миннатдорлик билдириб, Афғонистонда тинчликни барқарор этиш Ўзбекистон учун муҳим масалалардан бири эканини айтди. Бу масалада Ўзбекистон ва Эрон қарашларида ҳамоҳанглик борлигини қайд этди. Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Шу куни Ислом Каримов «Дўрмон» қароргоҳида мазкур учрашувда иштирок этаётган Покистон делегацияси раҳбари, Покистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ифтихор Муршидни ҳам қабул қилди.

Суҳбат чоғида мамлакатимиз раҳбари Покистон делегациясининг Тошкент учрашувидаги иштироки ушбу давлатнинг Афғонистонда тинчликни барқарор этиш масаласига катта эътибор билан қараётганидан далолатдир, деди.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати делегацияси раҳбари, толиблар ҳукуматининг ахборот вазири мулла Аминхон Муттақий ҳамда ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Мавлавий Абдурахмон Зоҳидни қабул қилди.

Юртбошимиз делегация аъзоларини Ўзбекистон заминига ташрифи ва «6+2» гуруҳи мулоқотларида иштирок этаётгани билан қутлади. Таклифимизни инкор этмасдан, учрашувда иштирок этаётганингизнинг ўзи катта воқеадир, деди Ислом Каримов.

Мулоқот чоғида Тошкент учрашувида кўтарилган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида гап борди.

Қабул маросимларида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

(ЎзА)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 20 июль, сешанба • № 83 (24.478).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Тошкент учрашуви:

Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлидаги муҳим қадам

Суратда: учрашув пайти. *Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат*

19 июль куни Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «6+2» гуруҳининг навбатдаги учрашуви бошланди. Бу гуруҳга Афғонистон билан чегарадош олти давлат — Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Ўзбекистон, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари ва Россия киради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ташкил этилган мазкур анжуманни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов очди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Афғонистондаги бугунги вазият айни вақтда нафақат мазкур мамлакатнинг, балки унга қўшни давлатларнинг, қолаверса бутун халқаро жамоатчиликнинг муаммосига айланган. Негаки, бугун бу тупроқда давом этаётган уруш балоси билан бирга, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, диний экстремизм ва фанатизм, террорчилик хавфи минтақадаги барча давлатларга, бинобарин ялпи хавфсизликка жиддий таҳдид солаяпти. «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашувидан мақсад Афғонистонда кечаётган уруш сабабларини шунчаки ойдинлаштириш эмас. У мазкур можарони тинч йўл билан ҳал этиш чораларини топишга хизмат қилади.

Учрашувда сўзга чиққан БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Л. Брахими БМТ Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолашини таъкидлади. У БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашувини қўллаб-қувватлаб Президент Ислом Каримов номига йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди.

Таъкидлаш керакки, «6+2» гуруҳининг ташкил топиши, унинг учрашувларини мунтазам ташкил этиш ўз-ўзидан бўлаётган иш эмас. У ниҳоятда машаққатли ва оғир меҳнат маҳсулидир. Хусусан, бу жараёнда Ўзбекистон ҳукуматининг салмоқли ҳиссаси борлигини айтиш жоиз. Негаки, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши мамлакатимиз, қолаверса, бутун минтақа хавфсизлигини таъминлаш учун шароит яратади. Хавфсизлик ва барқарорлик эса тараққиётнинг энг муҳим шартидир.

Шу боисдан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Афғонистон муаммосига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб, бу масаланинг нечоғлик жиддий эканини алоҳида таъкидлаган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йилда бўлиб ўтган 50-сессиясида эса давлатимиз раҳбари Афғонистон муаммосини бартараф этиш борасида қатор амалий таклифларни илгари сурди. Хусусан, бу давлатга қурол-яроғ киритишни қатъий таъқиқлаш зарурлигини алоҳида қайд этди. Шунингдек, Ислом Каримов бошқа кўплаб халқаро анжуманларда, турли давлатлар раҳбарлари билан музокараларда минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун энг аввало, Афғонистон можаросини тинч йўл билан бартараф этиш зарурлигини такрорлашдан чарчамайди. Зеро, Афғонистондаги уруш нафақат бизга ёинки минтақамизга, балки халқаро хавфсизликка, ҳатто инсоният келажагига жиддий хавф туғдираётгани сир эмас. Яъни, бугун мазкур муаммо фақатгина қуролли ҳаракатлар билангина боғлиқ эмас, балки бу тупроқда улкан миқдорда наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси авж олаётгани, террорчилик ва диний экстремизм унсурлари урчиб бораётгани ҳам

(Давоми 2-бетда)

Тинчлик ва барқарорлик – минтақамиз тараққиётининг бош омили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳи Тошкент учрашуви очилиши маросимида сўзлаган нутқи

Муҳтарам делегация раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга халқимиз, ҳукуматимиз ҳамда шахсан ўз номимдан сизларни — мазкур учрашув қатнашчиларини Ўзбекистон диёрида самимий қутлаб, барчангизга юксак эҳтиромимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Биз бугун бу ерда юксак ва олижаноб мақсад — жафокаш Афғонистон заминида кўпдан бери кутилаётган тинчлик ўрнатиладиган кунни биргаликда яқинлаштириш учун тўпландик.

Тинчлик ва барқарорлик энг аввало, афғон халқининг орзуси. Чунки бу халқ йигирма йиллик уруш, азоб-уқубат ва муҳтожликни бошидан кечирмоқда. Бу халқ ўзининг бутун тарихи ва мислсиз бардоши билан чинакам ҳурмат ва ҳамдардлик уйғотади.

Фуқаролар уруши туфайли вужудга келган беқарор вазият аллақачон Афғонистон чегараларини ошиб ўтиб, минтақадан анча нарида ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бугун Афғонистон ва унинг атрофида юз бераётган халқаро терроризм ва экстремизм муаммолари ҳам, наркотик моддаларни тарқатиш ва қурол-яроғ савдоси муаммолари ҳам, тобора таҳдидли тус олаётган исломни радикаллаштириш жараёнлари ҳам жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмай қолмайди.

Бугунги кунда Афғонистонда юз бераётган воқеаларни кузатиб турган ҳар бир кишини бу мамлакат аҳолиси, уни вайронгарчилик ва муҳтожликка маҳкум этган, иқтисодиёт ва кишилар ҳаётини ўнлаб йиллар орқага улоқтириб ташлаган уруш ва қарама-қаршилик туфайли Ватанидан жудо бўлган барча миллат ва элат вакилла дири ташвишга солмай қўймайди.

Баъзи давлатларнинг Афғонистондан жўғрофий узоқлик ўзларининг хавфсизлигига таъсир қилмайди деган умидлари асоссиз эканини вақт кўрсатди.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Афғонистонда кўп йил давом этган танглик сабабларини аниқлаш ушбу анжуман вазифасига кирмайди, десам, фикримга қўшилсангиз керак. Ҳозирги вақтда энг муҳими Афғонистондаги вазиятни қайта-қайта таҳлил этиб, бир-бирига қарши курашаётган томонларни яраштириш учун дастлабки қадам бўлиши мумкин бўлган ўша элас-элас кўринаётган келишув омилларини топишдан, янада аниқроқ айтганда — **қарама-қаршилик ва урушни бундан кейин ҳам давом эттириш бемаънилик эканлигини уларга кўрсатиб ва исботлаб беришдан иборатдир.**

Ўзбекистон ва Афғонистон халқларини кўп асрлик тарихий муштараклик анъанавий равишда бир-бирига боғлаб туради. Шуни ҳам айтмоқчиманки, ўзбеклар ва афғонлар ўртасида ҳеч қачон ғанимлик бўлмаган — Амударё неча юз йиллар давомида бизни фақат бирлаштириб турган.

Ҳозир ҳам бизнинг энг эзгу ва энг катта истагимиз тинч, барқарор ва хавфсиз Афғонистонни кўришдир. Биз Кобулда **миллий тотувлик ва ички барқарорликни таъминлашга қодир бўлган, халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қиладиган ва чегарадош мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини таъминлашга кафолат берадиган** барча томонлар вакилларидан иборат нуфузли ва кучли ҳукуматни кўришни истаймиз.

Афғонистон муаммосини тезроқ ҳал этиш минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун, биринчи навбатда Марказий Осиёни қўшни ҳудудлар ва мамлакатлар билан боғлайдиган транспорт коммуникацияларига доир узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳаларни амалга оширишга зарур шарт-шароит яратиш ишига чинакам омил бағишлаган бўлар эди.

Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусан БМТ шафелигида «6+2» гуруҳини тузиш бўйича саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари ана шу ёндашувларга асосланган.

Катта мамнуният билан таъкидламоқчиманки, бу гуруҳ қисқа вақт ичида афғон муаммосини ҳал этиш йўлларини излашда биргаликда ҳаракат қилишда етарли тажриба тўплади.

Фақат бир фактнинг ўзи, яъни гуруҳдаги уч мамлакат — АҚШ, Россия ва Хитой — БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари шу минтақа мамлакатлари билан биргаликда «6+2» гуруҳи доирасида Афғонистон муаммосини тинч ҳал этиш йўлларини излашда фаол иштирок этаётгани — бу халқаро тажрибада жуда камдан-кам учрайдиган, айтишим мумкинки, мислсиз воқеадир.

Ўз-ўзидан равшанки, бу гуруҳни тузиш ва унинг ишини ташкил этишда, жумладан мазкур анжуманнинг бугунги мажлиси ўтказилишида БМТ ҳал қилувчи ўринда турибди.

Шу муносабат билан

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Кишиларнинг моддий фаровонлигини ошириш ҳамда республика аҳолисининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1999 йил 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ва ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

2. 1999 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи — ойига 1750 сўм;

ёшга доир пенсия — ойига 3340 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 1750 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 3340 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 2025 сўм миқдорида белгилансин.

3. 1999 йил 1 августдан бошлаб барча турдаги пенсияларни ўрта ҳисобда 1,4 баравар ошириш уларни амалдаги қонунчиликка асосланиб қайта ҳисоблашни кўзда тутган ҳолда 1991 йил 1 январга қадар ҳамда кейинги йилларда тайинланган пенсиялар миқдорини тенглаштиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Молия вазирлиги ўн кун муддат ичида пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқиб тасдиқласинлар ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг муайян миқдорини белгиласинлар.

4. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 1999 йил 1 августдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг маошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий фондининг белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат чиқимларини камайтириш ҳисобидан 1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 25 ноябрдаги ПФ-2144 Фармони 7-банди истисно қилинган ҳолда ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 19 июль.

Президент юрган йўллар

Кейинги кунларда хаёлимни бир нарса, юртбошимизнинг Қашқадарё чўл ҳудудида бўлиб, у ердаги одамлар билан учрашгани ва саҳрода қад кўтараётган чиройли шаҳарча мутлоқ банд қилиб олганди. Нима қилиб бўлса-да у ерга бориш, мавжуд иншоотларни ўз кўзим билан кўришга ошиқдим.

Журналист кўзи билан кўрган нарсасини бошқаларга яхши етказади. Ўзи ишонган ҳодисага ўзгаларни ҳам ишонтиради. Демак журналистнинг ишонч ва қатъият билан ёзганларини ўқиган минг-миллионлаб кишилар қалбида ишонч дарахтлари гуллайди. Шунда одамлар бугунга, эртага ишониб яшайдилар.

Юқоридаги гапларни китобда ўқиганманми, домларим айтишганми, ўзим тўқиганманми, билмадим, ҳар ҳолда шундай қилсам тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Кўзинг билан кўриб ёзганинг яхши. Қаршидан чиқиб Ғузор йўли орқали Шўртанга жўнадик. Бийдай саҳро. Иссиқ шамол нафасни қайтаради. Борлиқ жимирлайди. Кўзингиз ёшоврайди. Машина елдай учади. Бундан уч-тўрт кун аввал шу йўллан Президент ўтдилар. Бағрига не-не синоатларни яширган саҳрога боқиб юртбошимиз кўнглидан қандай туйғулар кечдийкин, бу бесарҳад кенглик ичра яна қандай оламшумул бунёдкорлик иши авжга оларкан? Йўл тўғри уфққа санчилади. Охири йўқ йўлнинг. Ниҳояси йўқ саҳронинг. Таптақир, қуп-қуриқ саҳро. Ҳатто елим идишдаги сув ҳам илимилиқ бўлиб қолибди.

Бир оз вақтдан сўнг йўлнинг икки четида ўтган йили экилган тераклар кўзга ташланади. Чўлга жон киргандай бўлади.

5-6 йилдан сўнг бу ерларда баланд-баланд тераклар саф тортиб, самога яшиллик санчилади. Шовуллаб турган япроқларида тириклик нафаси елган тераклари кўз олдингизга келтиринг. Президент бу йўллардан бекорга ўтмаган, ҳали бу жойларда ҳаёт завқи тошади, деган ўйга борасиз.

Чинакам мўъжизага йўл охирида қад росталаётган Шўртан кимё комплекси қурилишига кўзингиз тушгач дуч келасиз. Мамлакатимиздаги энг катта қурилиш объектларидан бири шу. Бесаноқ машиналар, экскаваторлар, қудратли техникалар саҳрони титратиб бетиним ишлаяпти. Инсон фарзандининг кичик жуссаси бепоён чўлни елкалаб турганига амин бўласиз. Чиндан ҳам бундай улкан иншоотни бошлаш учун келажакка ишонч, юртнинг эртасини ёруғ кўриш иштиёқи баланд бўлиши керак одамнинг. Президентимиз қалбида шундай ҳис жўш уради. Келажакни обод кўриш ишқи бу.

Қурилиш давом этаётган объект атрофига 38 қатор дарахт экилган. Оқ терак, Калифорния тераги, заранг, қайрағоч ва ҳоказо. Улар чайқалиб, яшилланиб турибди.

Сўнгги қаторда эса наъматак экилган. Икки-уч йил ичида наъматак қуюқлашиб, девор ҳосил қилади. Дарахтзорни тўсиб туради. Мол-ҳол киролмайди. Президентимиз Шўртанга ташриф буюрганларида чўлдаги яшил дарахтзорни кўриб қувондилар. Айниқса, бу йил экилган майдонга боқиб, бу ердаги ўрмончилар ишидан кўнгли тўлиқди. Комплекснинг иккинчи томонида яна етти гектар жой дарахтзорга айлантирилган. Айтиш жоизки, ўрмончилар ҳар бир кўчат тагига идишда сув олиб келиб қуйишди. Бу чинакам шижоат.

Хуллас, Шўртан бағри энди яшилланиб бораяпти. Одамлар, ўз Президентига ишонган одамлар бийдай саҳрода ҳаёт, жонланиш пайдо қилишмоқда.

Комплекседан чиқиб йўлнинг ўнг томонидаги кичик шаҳарчани кўриб, мўъжизага дуч келгандай ҳангу-манг бўлиб қоласиз. Саҳро! Саҳродаги катта ва чиройли оқ кемага ўхшайдиган шаҳар. Европа шаҳарларини эслатувчи, улардан ҳам зиёда ва озода шаҳарча бизнинг Шўртанда бунёд бўлишини авваллари ҳеч ким хаёлига келтирмасди. Шаҳарчага боқиб беихтиёр оҳ, дейсиз. Мўъжиза дейсиз, худди эртаклардаги йўл юриб, саҳроларни оралаб толиққан йўловчининг қаршисида гўзал бир шаҳар пайдо бўлиб қолгандаги ҳолат хаёлингизга келади.

— Президентимиз мана шу ерда турдилар, кейин қурувчи йигитлар билан суҳбатлашдилар. Буни телевизорда ҳам кўрсатишди. Тўғридаги ошхонага кириб бу ердаги кишилар билан гурунглашдилар, — дейди ҳамроҳим — Қарши ўрмон хўжалиги директори Рўзи ака Қаҳҳоров.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

Сездим. Президентимизнинг бу ерга келиши одамлар кўнглини кўтариб юборган. Чиндан ҳам Шўртандаги кишилар меҳнати таҳсинга лойиқ. Егани ош бўлсин. Топгани тўйларга буюрсин. Бола-чақасининг яхшилигини кўрсин бари.

Шўртан гўзал ўрмонлар бағридаги ҳашаматли бинолар қад ростлаган шаҳарга айланади. Кечалари чироқлари порлаб, атрофидаги қуюқ дарахтзорлари денгиздек шовуллаб тургувчи шаҳар... Шунда олдин бу ерлар чўл эди, юртбоши ташаббуси билан шундай манзара касб этди, десангиз балки ишонишмас. Ҳа майли, бу ердаги ҳаёт шундан — тараққиётдан, ўсишдан, гуркирашдан дарак бериб турибди

Кўнглимга бир ўй тугилди. Бугун ҳар бир журналист юртимизда содир бўлаётган буюк ўзгаришларни тез-тез бориб кўриши, юракни янгилаб, қаламни чарҳлаб туриши керак.

Чўлдан қайтаётиб елим идишдаги сувдан ичдик. Сув қайнаб кетибди.

Ортимизда оппоқ ва озода шаҳар, одам бўйи баробаридаги дарахтзор, қурилиш майдони олислашиб бормоқда.

— Шўртан атрофида ўн минг гектар ерга кўчат экилиб, ўрмонга айлантирилади, — дейди Рўзи ака.

Менинг кўнглимдан қалин ўрмонзорнинг салқин елларни эсиб ўтади. Ва, юртбоши ўтган ҳар бир йўл яшилликка, яхшиликка бурканади, деб талқин қиламан.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Тошкент учрашуви:

Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлидаги муҳим қадам

(Давоми. Боши 1-бетда)

жаҳон аҳлини ҳақли равишда ташвишга солаётгани табиий.

1997 йил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Афғонистонга чегарадош олти мамлакат ва АҚШ ҳамда Россия иштирокида мулоқот гуруҳи ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Орадан кўп ўтмай, бу ташаббус ҳаётда ўз инъикосини топди — «6+2» гуруҳи ташкил этилди. Унинг биринчи учрашуви 1997 йил 16 октябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган эди.

Тошкент анжуманида иштирокчилар Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш чора-тадбирлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Афғонистоннинг ички муаммоларини бартараф этишда ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш, ўзаро нифоқдаги томонлар ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни бошлаш зарурлиги таъкидланди.

Анжуман ниҳоясида «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент Декларацияси имзоланди.

Учрашув якунида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда Л. Брахими «6+2» гуруҳи учрашувининг бевосита Афғонистон жойлашган минтақа — Ўзбекистонда ўтаётгани муҳим аҳамият касб этажагини таъкидлади. Яна бир эътиборга молик томони шундаки, Тошкент учрашувида Афғонистондаги икки асосий гуруҳ «Толибон» ҳаракати ҳамда Афғонистон Бирлашган фронти вакиллари илк бор бир стол атрофига йиғилди. Шунингдек, қабул қилинган Тошкент Декларацияси Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлидаги залворли қадам бўлганини қайд этди. БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили мазкур Декларация узоқ вақт мобайнида ишлаб чиқилгани ва ўзида Афғонистон заминида тинчлик ўрнатишнинг асосий тамойилларини жамлаш билан бирга, эндиликда «6+2» гуруҳи аъзоларининг нуқтаи назари ва қарашларини умумлаштирадиган муҳим ҳужжат сифатида ҳам амал қилишини айтди.

Дарҳақиқат, Тошкент Декларациясининг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. У «6+2» гуруҳига аъзо давлатлар ҳамда Афғонистонда низолашаётган томонлар учун тинчликка элтувчи харита вазифасини бажаришга қаратилган. Матбуот анжуманида таъкидландики, Декларация сўнгги манзил эмас. У «Толибон» билан Бирлашган фронт ўртасида, шунингдек, улар билан «6+2» гуруҳи аъзолари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилишига асос бўлади. Афғонистонда низолашаётган гуруҳлар вакиллари бундай музокараларга тайёрлик билдирди. Демак, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни изчил давом этади, дея умид қилиш мумкин.

(ЎзА)

Тинчлик ва барқарорлик – минтақамиз тараққиётининг бош омили

(Давоми. Боши 1-бетда)

БМТнинг Афғонистон бўйича махсус миссияси аҳамиятини, шунингдек унинг раҳбари — БМТ Бош котибининг махсус вакили Лахдар Брахимининг афғон диёрида тезроқ тинчлик ўрнатилишига қаратилган самарали ишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги учрашувимиз жаноб Лахдар Брахимининг БМТ шафелигида «6+2» гуруҳида иштирок этувчи мамлакатлар вакиллари билан биргаликда икки йил давомида олиб борган қизғин ишининг якунидир. Бу гуруҳнинг мақсади Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлларининг умумий тамойиллари ва ягона ёндашувини ишлаб чиқишдан иборат.

Анжуманнинг кўп иштирокчилари фикримга қўшиладилар деб ўйлайман — Афғонистондаги бугунги вазиятни асосан Афғонистон жамиятининг таркибий қисмини ташкил этувчи икки куч — «Толибон» ҳаракати ҳамда унга қарши турган Аҳмад Шоҳ Маъсуд раҳбарлигидаги бирлашган гуруҳ шакллантирмоқда.

Ҳозирги вақтда Афғонистон можаросининг кўпгина иштирокчилари, шунингдек, уларнинг орқасида турган кучлар Афғонистон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини тушуниб етмоқда. Афғонистон можароси бошлангандан то бугунги кунгача бўлган даврдаги мисли кўрилмаган бу вазиятни тўғри баҳоламаслик мумкин эмас.

Афғонистон ичидаги кучлар ўртасидаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва музокарани қайтадан бошлаш зарурлиги бир-бирига қарши курашаётган томонлар ўртасида музокаралар жараёнини бошлашга ана шу ноёб имкониятни тушуниб етиш ва англашни тақозо қилмоқда.

Айни ҳозирги вақтда вужудга келган вазият мазкур анжуманнинг барча иштирокчиларидан, бизнинг фикримизча, асосий вазифани — **музокаралар жараёнини бошлаш, бутун Афғонистон халқи, ундаги этник гуруҳлар манфаатларини кўзлаган ҳолда қарашларнинг ўхшаш нуқталарини, ўзаро мақбул бўладиган келишувларни излаш йўли билан музокаралар жараёнини шакллантириш бўйича ўзаро мақбул умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш вазифасини ҳал қилишда катта** масъулиятни талаб қилмоқда.

Бу ёндашувларни ишлаб чиқишда воқеалар тақозоси билан Афғонистон можаросига бошқаларга нисбатан кўпроқ жалб этилган икки мамлакат — Покистон ва Эроннинг қарашларининг яқинлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлади, десам, фикримга қўшилсангиз керак.

Айни пайтда «Афғонистон қўшнилари ва дўстлари» гуруҳи фаолиятининг асосий тамойили мустақил давлат ички ишларига аралашмаслик, унинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш эканини таъкидлаш зарур. Кўп йиллар давомида Афғонистоннинг ички ишларига четдан аралашиш афғонларда табиий равишда воситачиларга ишончсизликни вужудга келтиргани эътиборга олинса, бу тамойил алоҳида аҳамият касб этади.

Афғон халқи ва унинг раҳбарлари ўз мамлакатлари тараққиётнинг қайси йўлидан боришини ва тинч ҳаёт қандай ҳукумат бошчилигида тикланишини ўзлари мустақил равишда танлаб олишлари керак.

Биз ҳозир йигирма йилдан ортиқ давом этаётган беҳуда хунрезлик ва вайронагарчилик даврида вужудга келган ҳамда илдиз отган жуда кўп эски муаммолар мавжуд бўлган узоқ ва мураккаб йўлнинг бошида турганимизни тушунамиз.

Назаримизда, Афғонистон жамиятининг тинч ҳаёт йўлига қайтиш жараёни **шошма-шошарликсиз,** босқичма-босқич амалга оширилиши лозим.

Биз «6+2» гуруҳининг ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасидаги бундай учрашувларни мунтазам равишда навбати билан гуруҳнинг бошқа мамлакатларида ўтказиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Навбатдаги учрашувни балки Ашгабадда ўтказиш мумкин бўлар. Ҳозирги учрашув чоғида Тошкент Декларациясини имзолашдан ташқари, барчамиз музокаралар жараёни механизмини ишлаб чиқиш тўғрисида ўйлаб кўришимиз лозим.

Назаримизда, музокаралар механизмида аввалгидек БМТ Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили ва махсус миссияси асосий ўринда туриши керак. Олдига қўйилган янги вазифаларни ҳисобга олиб, уларнинг мандатлари ва ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва кенгайтириш лозим бўлади.

Шундай қилиб, «6+2» гуруҳи воситачилигида тинчлик жараёнини янада ривожлантириш ҳар бир янги босқичга Тошкент Декларацияси тамойилларига мувофиқ равишда аниқ натижалар билан чиқишимизга имкон берган бўлур эди.

Шу муносабат билан БМТ шафелигидаги «6+2» гуруҳи ёрдамида бундан кейинги тинчлик жараёни истиқболлари, назаримизда қандай бўлишини айтишга рухсат этгайсиз, бу тинчлик жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

Биринчидан, БМТ Бош котибининг махсус вакили воситачилигида бугун Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган **икки асосий куч** ўртасида ўт очишни тўхтатиш, ҳарбий асирларни айирбошлаш, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш учун йўлларни очиш ва ички тўсиқларни олиб ташлаш тўғрисида битимлар тузиш зарурий дастлабки босқич бўлади.

Иккинчидан, кейинги босқичда Афғонистоннинг давлат тузуми ва барча томонлар вакилларидан иборат ҳукумат тузишнинг асосий тамойиллари бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, Афғонистондаги можарони бартараф этиш, шу жумладан қочоқларни қайтариш, миналардан тозалаш, қуролсизланиш ва шу каби бошқа масалалар тўғрисида қарама-қарши томонлар ўртасида Умумий битимлар якунловчи мажмуини қабул қилиш. Афғонистон томонлари рози бўлган тақдирда, уларнинг ўртасидаги Умумий битимлар «6+2» гуруҳига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари иштирок этадиган учрашувда имзоланиши мумкин бўлур эди.

Тўртинчидан, Афғонистондаги ички тинчлик жараёни билан бир вақтда «6+2» гуруҳига аъзо мамлакатлар Афғонистонни урушдан кейинги тиклашга қаратилган **кенг кўламли инсонпарварлик ҳамда молиявий иқтисодий ёрдам кўрсатиш** бўйича халқаро дастур ишлаб чиқишлари мумкин. Шу муносабат билан биз Япония ҳукуматининг Токиода Афғонистонга ана шундай ёрдам кўрсатиш хусусида халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

Бешинчидан, воқеалар ана шу тарзда ривожланиб борса, якунловчи босқичда БМТ Бош Ассамблеясининг Афғонистон бўйича махсус сессиясини ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мумкин бўлур эди. Бундай сессиянинг ўтказилиши мазкур мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича якунловчи битимлар халқаро ҳамжамият томонидан сиёсий жиҳатдан эътироф этилганининг рамзи бўлур эди.

Бундай сессияни чақириш Бош Ассамблеянинг 1980 йилдаги олтинчи фавқулодда махсус сессиясида қабул қилинган, хусусан **«Афғонистон халқига ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз, қўпорувчилик фаолиятисиз, мажбур қилмасдан ёки тазйиқ ўтказмасдан ўз бошқарув шаклини белгилашга, ўз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тизимини танлаб олишга имкон бериш»**га даъват этувчи резолюциясининг мазмунига тўла-тўкис мос келур эди.

Ушбу анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилган **«Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»**ги Тошкент декларацияси лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотида узоқ вақт тер тўкиб қилинган ишнинг натижасидир, у **«6+2» гуруҳига бирлашган деярли барча «Афғонистон қўшнилари ва дўстлари»нинг позициясини ифодалайди.**

Бу ҳужжатни ва унда кўзда тутилган узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган дастурни маъқуллаш ва қабул қилиш Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича музокара жараёнига ишончли ва адолатли пойдевор қўйишига аминман.

Хонимлар ва жаноблар!

Ушбу анжуманнинг барча иштирокчиларига: Афғонистон вакилларига, АҚШ делегациясига, Россия делегациясига, ХХР делегациясига, Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркманистон делегацияларига, табиийки, БМТ вакилларига Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлидаги ҳаракатлари учун чуқур эҳтиром ва миннатдорлик туйғуларини яна бир бор изҳор этишга ҳамда барчангизга кўзланган мақсадни амалга оширишда — **Афғонистонда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка эришишда** катта сабр-қаноат тилайман.

Эътиборингиз учун рахмат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1154 Фармонини қисман ўзгартиш тўғрисида

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар механизмини мустаҳкамлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1154 Фармонини қисман ўзгартирган ҳолда:

1. Белгилаб қўйилсинки, товарлар етказиб берилган, хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилган кундан бошлаб тўқсон кун ўтгандан кейин етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги муддати ўтган дебиторлик қарзи деб ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154 Фармони 2-бандининг биринчи хатбошисидаги «олтмиш» сўзи «тўқсон» сўзи билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддат ичида мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда қонунчиликка киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақидаги таклифларини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ***И.КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1999 йил 19 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 1999 йил 19 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ***Э.ХАЛИЛОВ***

Тошкент шаҳри,
1999 йил 19 июль

***

Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 1999 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида ахборот.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодиёт кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида.
3. «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг лойиҳаси.
4. «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқиш).
5. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
6. «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (янги таҳрири).
7. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
8. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунининг лойиҳаси.
9. «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
10. «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
11. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
12. «Суд ижрочилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
13. «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 1995-1999 йиллардаги фаолияти тўғрисида.
15. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тайинлаш тўғрисида.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлис ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам депутатлар муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А.Қосимов бошчилигида депутатлар ишчи гуруҳи тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Тўлов интизомини мустаҳкамлаш, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар пайдо бўлиши ва кўпайишига йўл қўймаслик, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг амалдаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Муҳамедов), Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги (Отаев), «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (Зайнутдинов), «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни (Кучерский), «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси (Эрметов), «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Юсупов) раҳбарларининг муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш бўйича ишлари қониқарсиз эканлиги қайд этилсин.

Юқорида кўрсатилган вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларни 1999 йил 1 октябргача тугатиш бўйича улар томонидан узилкесил чоралар кўрилмаган ва унинг ўсишига йўл қўйилган тақдирда уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси органлари томонидан 1999 йилнинг биринчи ярим йиллигида муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлиши, тўловга қодир бўлмаган истеъмолчиларга маҳсулот юклаб жўнатиш ҳоллари бўйича 295 жиноий иш қўзғатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига (Худойқулов) хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларини муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларга йўл қўйганлиги, шунингдек жойлардаги давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахсларини корхоналарнинг молиявий аҳволи ёмонлашишига ва уларнинг қарзлари ўсишига олиб келувчи фармойишлар берганлиги учун жавобгарликка тортиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган чораларга оғишмай риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш тавсия этилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларига, жойлардаги давлат бошқаруви органларининг бошқа мансабдор шахсларига корхоналарга уларнинг молиявий аҳволи ва тўловга қодирлиги ёмонлашишига олиб келадиган, шу жумладан амалдаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда маҳсулот сотиш (хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш) ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларини белгиланган тартибда тасдиқланмаган қурилишларнинг аниқ рўйхатларида назарда тутилмаган капитал қурилишга жалб этиш тўғрисида фармойишлар бериши қатъий тақиқлансин.

4. Коммунал хизматлар ва электр энергиясидан фойдаланганлик учун амалда вужудга келган қарзларни тўлаш мақсадида кам таъминланган оилаларга, ёлғиз пенсионерларга, кексалар ва ногиронларга I ярим йиллик ва умуман 1999 йил якунлари бўйича «Индексация» махсус счётларидаги маблағлардан қарз ҳажми миқдорида муддатидан олдин фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Меҳнат вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги билан биргаликда «Индексация» махсус счётларидан маблағларни муддатидан олдин кўчириш ҳамда коммунал хизматлар ва электр энергиясидан фойдаланганлик учун қарзларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан тўлаш тартибини 10 кун муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бюджет ташкилотларининг Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, бошқа вазирликлар ва идоралар корхоналари ва ташкилотларидан олинган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кредиторлик қарзини бир ҳафта муддатда кўриб чиқсин, мазкур қарзларни тўлашнинг аниқ жадвалини ишлаб чиқсин ва унинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин;

бюджет ташкилотлари томонидан белгиланган лимитлар ва ҳаражатлар нормативларидан ортиқча маҳсулот ва хизматлардан фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги устидан қаттиқ назоратни таъминласин;

харажатлар моддалари бўйича бюджет ажратмалари лимитларидан ошириб юбориш ҳоллари аниқланган тақдирда раҳбарлар ва мансабдор шахсларга нисбатан жарималар солиш тарзида иқтисодий таъсир кўрсатиш ва маъмурий жазо чораларини қўлласин, бундай ҳоллар маъмурий жазо қўллангандан кейин ҳам аниқланган тақдирда материалларни тергов органларига берсин.

6. Белгилансинки:

хўжалик юритувчи субъектлар тўлов муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ҳар чоракда ўзаро солиштириб чиқишга мажбурдирлар. Қарзларни ўз вақтида ва тўлиқ солиштириб чиқиш юзасидан шахсан жавобгарлик хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари зиммасига юклансин;

товар олингандан сўнг 90 кун мобайнида етказиб берилган маҳсулотнинг тўлиқ қиймати хўжалик юритувчи субъект томонидан тўланмаган ҳолларда тартибни бузувчи корхоналарга маҳсулот етказиб бериш илгари берилган маҳсулотнинг барча қиймати олинишига қадар тўхтатиб қўйилади. Бундай корхоналарга кейинчалик маҳсулот бериш тўловнинг аккредитив шакли воситаси билан амалга оширилади. Тартибни бузувчи корхоналарга пайдо бўлган қарзни узишгача бўлган даврда товар етказиб бериш тўхтатилиши учун масъулият маҳсулот етказиб берувчи корхоналар раҳбарлари зиммасига юкланади;

муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларни ундириш юзасидан чора-тадбирлар кўрмаганлик, шу жумладан хўжалик судида даъво қўзғатмаганлик маҳсулот етказиб берувчи корхоналарнинг раҳбарларини ва мансабдор шахсларини қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

7. Вазирликлар, идоралар, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар қишлоқ хўжалигига маҳсулот беришни (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишни) қишлоқ хўжалиги корхоналаридан фақат олдиндан тўланадиган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан белгиланган тартибда ажратиладиган аванс маблағлари туридаги ҳақ олингандан сўнг амалга оширсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1999 йил 19 июль

Комиссия мажлиси

Вазирлар Маҳкамасида Республика Фавқулодда ҳодисалар комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда комиссия аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, қўмита ва компаниялар, уюшма ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоятлар фавқулодда ҳодисалар комиссияларининг раислари, санитария-эпидемиология станцияларининг бош врачлари, ветеринария бошқармаларининг бошлиқлари, мутахассислар иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов олиб борди.

Комиссия мажлисида чорвачиликда юқумли касалликларнинг олдини олиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Ҳ.Йўлдошев шу ҳақда маъруза қилди. Шунингдек, республика соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари — Бош Давлат санитария врачи Б.Ниёзматов ҳамда Хоразм, Фарғона, Тошкент, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ветеринария бошқармаларининг бошлиқлари ва бошқа мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда таъкидланганидек, сўнгги йилларда Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистоннинг бир қанча вилоят ва туманларида чорва молларида оқсим касаллиги мавжудлиги қайд этилган. Бу мамлакатларда чорва моллари касалликлари билан курашиш учун маблағ етишмаслиги оқибатида мазкур касалликка қарши чорва моллари эмланмасдан қолмоқда. Ана шу республикалардан туёқли моллар ҳамда гўшт ва гўшт маҳсулотларини Ўзбекистонга келтириш ҳоллари учраб турибди. Сирасини айтганда, қўшни давлатларда шу касаллик бўйича эпизоотологик ва эпидемиологик вазиятнинг мураккаблашуви бундай касалликнинг бизнинг республикамиз ҳудудига кириб келиш хавфини туғдирмоқда. Шу боис ҳам мажлисда асосий диққат-эътибор қўшни мамлакатлардан чорва моллари орқали юқумли касалликларнинг республикамизга кириб келишининг олдини олиш, бунга сира ҳам йўл қўймаслик, бу борада тезкор чора-тадбирлар кўриб, мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш масалаларига қаратилди. Жумладан, давлат божхона қўмитасига, вилоятларнинг ветеринария бошқармалари, чегара ва транспортда ветеринария назорати бошқармасига юқорида номлари зикр этилган давлатлардан ветеринария назоратидан ўтмаган чорва молларининг олиб келинишини қатъий равишда тақиқлаш вазифаси юклатилди.

Бу борада ўтказилаётган чора-тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш республикамиз ветеринария ва санитария хизмати ходимларидан ҳушёрликни ҳар қачонгидан ҳам ошириш, аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам олиб боришни талаб этади. Чорва молларни эмлашни тўғри ташкил этиш ва уларнинг ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш доимий назорат остида бўлмоғи зарур. Бу масъулиятли ишга етакчи мутахассисларни жалб этмоқ даркор. Бозорларда бу борада олиб борилаётган ишларни қайта кўриб чиқиш, мазкур ишларни амалдаги қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда олиб бориш зарурлигига мажлисда алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда оқсим касаллигига қарши курашиш ишига барча ветеринария хизмати, олимлар ва мутахассисларни кенг жалб этиш, бу ишларни алоқадор вазирлик ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди. Тегишли ташкилотларнинг раҳбарларига бу тўғрида аниқ кўрсатмалар берилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов сўзга чиқди.

(ЎзА)

Истиқлол — бизнинг тақдиримизда

Мустақиллик — муқаддас неъмат

Истиқлол ўзбек халқи учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. У туфайли ҳаётимиз ва яшаётган хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумбашарият эътироф этган демократик мезонларга монанд этиб қуришдек ноёб бир тарихий имкониятга эга бўлдик. Ўтган саккиз йил мобайнида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда маънавий соҳаларда эришилган буюк ўзгаришлар ана шу истиқлолнинг шарофатидир.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида ташкил этилган ва ҳозирда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳам мустақиллик меваси.

Биз Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жаловодан бир неча саволга жавоб беришни илтимос қилдик.

— Абдулҳафиз Мараҳимович, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бугунги фаолиятининг ва унинг жамиятдаги мавқеи ҳақида нималар дейиш мумкин?

—Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дунёга келиши ва унинг сиёсий фаолият майдонига чиқиши, авваламбор, мамлакатимизнинг ўз давлат мустақиллигига эришиши ва унинг тараққиётнинг демократик йўлини танлаши билан боғлиқ. Фақат демократик ривожланиш ўзанларидагина мустабид тузумнинг негизий таянчларидан бири — танҳо сиёсий партия ҳукмронлиги амалиётидан буткул воз кечиб, кўппартиялилик тизимига ўтиш мумкин бўлди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда мустақиллик туфайли юзага келган янги ижтимоий-тарихий вазият тузилишини тақозо этган тўнғич сиёсий партиялардан биридир. Ортда қолган етти йилдан ортиқроқ вақт давомида у катта йўлни босиб ўтди.

1991 йилнинг кузидан эътиборан, мустақил Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси ва мақсадларига монанд янги партияни тузиш, унинг тузилмалари, дастурий ғоя ва вазифаларини аниқлаш ҳамда рўёбга чиқаришнинг бош йўли, ҳаракат шакли, восита, усулларини ишлаб чиқиш талаб этилди. Шунингдек, ҳудди шу вақтдан бошлаб, уларни, биринчидан, партиядошларга, иккинчидан, барча ҳайрихоҳларга, қоласерса, аҳолининг ҳамма табақаларига етказиш, тушунтириш лозим бўлди.

Партиямиз ўз ғоявий, «оғзига қучи етмаган» ғанимларининг, мамлакатда вужудга келган янги сиёсий вазиятнинг моҳиятини тушунмасликдан келиб чиқувчи ва, шу боис, ғирт ёлғон, қуруқ сафсатадан иборат айбловларини чиппакка чиқаришда ҳиссиётга берилмади. У, аксинча, олижаноб, эзгу мақсадларга йўналтирилган, амалий ишлар йўлини танлади. Ҳаёт бу йўлнинг мутлақо тўғрилигини тасдиқлади. Биз мустақил

давлатимиз қонунчилиги доирасида яратилган қулай имкониятлардан фойдаланиб, халқчил, демократик ғоялар ва ихтиёрий интизом асосида уюшган, янги мафкурага асосланган, сиёсий ташкилотни тузиш, унинг, ислоҳотчилик, бунёдкорлик руҳи билан суғорилган жорий вазифалари ҳамда истиқболдаги мақсадларини шакллантириш йўлидан изчил бордик.

Шу билан бирга, мамлакатимиз аҳолиси барча табақаларининг энг муносиб, ХДП дастурий ғояларига содиқ, унинг Низоми талабларини бажаришга тайёр вакилларини партия сафларига тортишга катта эътибор берилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманлари, вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ХДПнинг ташкилий тузилмалари мавжуд. Бошланғич ташкилотлар сони 15 мингга яқинлашиб қолди. Шундан 5400 дан зиёди ҳудудий, яъни аҳоли истиқомат қиладиган жойларда фаолият кўрсатадиган ташкилотлари бўлиб, уларда 517,5 минг аъзоларининг ярмидан кўпи ҳисобда турибди. Агар ҳар йили партиямиз сафларига 40 минг нафарча янги аъзо қабул қилиниши инобатга олинса, ХДП ўзининг ғоялари, мақсад-муддаоси, сиёсий йўли ва фаолият усули билангина эмас, балки, ижтимоий таркиби билан ҳам, яъни моҳиятан, янги сиёсий партия эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Эндиликда, ХДП мустаҳкам оёққа турди, ўзининг сиёсати ва амалий ишлари билан мамлакат аҳолисига, ундан ташқари доираларга ҳам кенг танилди, жамиятда ўз ўрнини аниқ топиш йўлидан собитқадамлик билан бормоқда, дейишга ҳақлимиз. Халқ хўжалиги, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, жамоат ташкилотлари, хуллас, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бирон соҳаси йўқки, унда партиямиз аъзолари меҳнат қилмаса.

— Партиянгиз Ўзбекистонда демократик жамият қурилишига қандай ҳисса қўшмоқда?

— Миллий мустақиллик ва чуқур илдиз отаётган демократик тартиботлар маҳсули бўлган сиёсий ташкилот мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат бошқарувини бунёд этиш жараёнларидан ташқарида бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта. Партиямиз демократиянинг асл тарафдори эканлигини ўзининг дастурий ва бошқа ҳужжатларида эълон қилиш билан чекланмай, Ўзбекистонда демократик тизимни қарор топтириш ишига баҳоли қудрат амалий ҳисса ҳам қўшмоқда. Бу, асосан, қуйидагиларда намоён бўлмоқда.

Биринчидан, биз партиявий фаолиятда, шўролар мустабид тузуми «қаддини» бакувват қилишнинг «белбоғи» вазифасини ўтаган, мафкуравий якка ҳокимликка асосланган, «ҳокими мутлақчилик» амалиётига бутунлай қаршимиз. Аксинча, партиямиз ҳурфикрлилик ва кўппартиялилик тарафдори. Шу боис, биз, мамлакатимизда қарор топган, ҳозирда 5 сиёсий партиядан иборат кўппартиялилик тизимини қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, юртимизда мавжуд сиёсий партияларнинг барчаси билан яхши — соғлом рақобатчилик муносабатларида бўлишни истаймиз. Зарурат туғилса, у ёки бу масала юзасидан ҳамкорлик қилишга ҳам тайёрмиз.

Иккинчидан, ХДП сиёсий фаолият майдонига чиққанидан буён мамлакатимизда ўтказилган барча сайловларда самарали иштирок этмоқда.

1994 йилнинг декабрида бўлиб ўтган сайловларда партиямиз Олий Мажлисда 69 депутатга (28 фоиз) эга бўлди. Шунингдек, унинг вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида қарийб 36, туман ва шаҳар кенгашларида 48 ярим фоиз ўринни эгаллади. Бу — 3 мингдан зиёд депутат демакдир.

Партиямизнинг Олий Мажлисдаги депутатлик фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари қонунлар лойиҳалари ва ижтимоий-иқтисодий дастурларни тайёрлаш, уларни қабул қилиш ҳамда рўёбга чиқаришда фаол қатнашмоқда. Хусусан, Олий Мажлисдаги депутатларимиз — парламентнинг қўмита ва комиссияларининг раҳбарлари ёки аъзолари — янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни дастлабки муҳокамаси, қиёмига етказиш ва сессияларда кўриб чиқилишида иштирок этиш, қабул қилиш, тарғиб этиш ҳамда ҳаётга татбиқини ташкиллаштиришда фаоллик кўрсатмоқда.

Улар етилган иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, сайловчиларнинг истакларини бажо келтириш борасида ҳам кўпгина ибратли ишларни қилмоқдалар.

Учинчидан эса, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда вужудга келаётган ва фаолият кўрсатаётган турли нодавлат жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватламоқда. Уларнинг энг нуфузлилари билан марказий идоралар даражасида ҳам, жойлардаги ташкилотлар даражасида ҳам шартномалар асосида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, партиямиз қатор жамоат ташкилотлари фаолиятига, жумладан, уларнинг ҳаммуассиси сифатида кўмак бермоқда. "Экосан", «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармалари, «Халқ бирлиги» жамоатчилик ҳаракати ва бошқалар шулар жумласидандир.

— Бу борада яна қандай ишларни амалга оширмоқчисизлар?

— Мамлакатимизда демократик жамият қуриш соҳасида халқаро миқёсда эътироф этилган ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, булар — ҳали фақат дастлабки қадамлардир. Айтиш мумкинки, биз, мустақиллик йилларида, демократик жамиятнинг илк пойдеворини яратдик, холос. Олдинда халқимизни бу соҳада катта ишлар, янада мураккаброқ вазифалар кутмоқда. Юртбошимизнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида XX аср ниҳояси — XXI асрнинг дастлабки йилларида жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини янада эркинлаштириш ғояси илгари сурилди. Буни амалга ошириш учун фақатгина яхши қонунларни қабул қилиш билан кифояланмай, уларга, барча даражада, сўзсиз риоя қилишга эришиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ўз-ўзини бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини рисоладагидек йўлга қўйиш талаб қилинади.

Ўз-ўзидан тушунарлики, партиямиз бу ишларда фаол иштирок этади. Шулардан бири — бўлажак сайловлар. Марказий Кенгаш ўзининг кейинги, XIX пленумида ҳамда сўнгги уч ой мобайнида партиямизда бўлиб ўтган бошланғич ташкилотлар ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳамда унинг туман, шаҳар, вилоят конференцияларида ХДП барча тузилмалари, аъзолари эътиборини ушбу ўта долзарб масалага қаратди.

Албатта, сайловолди мавсуми ҳали олдинда. Бироқ, бу ҳақда барвақт ўйламасдан илож йўқ. Сабаб: ушбу сайловларда сиёсий рақобат ҳар қачонгидан кучли бўлади. Президентимиз Ислом Каримов ҳам шу ҳақда бизни қайта-қайта огоҳлантирмоқда. Чунки, сиёсий партияларнинг жамият иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги ўрни уларнинг айни сайловлар натижасида давлат ҳокимияти идоралари тизимида эгаллаган мавқеи билан белгиланади. Бундай синовга ҳар томонлама тайёр бўлиш — бизнинг бурчимиз! Зеро, мамлакатимиз, халқимиз, миллатимизнинг нурафшон истиқболи айни ижтимоий адолатни, демократияни изчил қарор топтиришда, демакки, сиёсий партияларнинг тўлақонли, самарали фаолиятини таъминлай олишда. Бу — амалий сиёсий ҳаётда аниқ масъулият, жиддий мувозанат, ишончли кафолатни, кўзланган барча инсоний мақсадларга эришишнинг муқаррар мурватлари сифатида жорий этилишига эришиш демакдир.

Суҳбатдош:
Турсунбой БОТИРБЕКОВ.
(ЎзА)

Ризқи бутун юрт тўзимас

Гўдак дунёга келганда кексалар дуога қўл очиб: «Оллоҳ умри билан берган бўлсин, ризқи билан берган бўлсин», дейдилар. Бинобарин, инсоннинг умрли ҳамда ризқ-рўзи бутун бўлиши тангри талонинг олий неъмати ва марҳаматидир. Инсон ризқ-рўзи ҳақида гап кетганда, энг аввало кўз олдимизга нон келади. У барча неъматлар султони. Унда шундай илоҳий бир куч бор: нон ҳам қоринни, ҳам кўзни тўйдиради. Нон сероб бўлган юртда тўқлик, барқарорлик ҳукмрондир. Инсоният пайдо бўлибдики, мана шунинг учун курашади. Тарихда мамлакатлар ва салтанатларнинг куч-қудрати нонининг сероблигига қараб баҳоланган ҳам бежиз эмас.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ юртбошимиз Ўзбекистонда дон сероб бўлиши, нон кўп ва арзон бўлиши учун астойдил ғамхўрлик қилди. Дон мустақиллигига эришиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Пахта яккаҳокимлиги ҳукм сурган, қизил империядан қолган асоратли мерос замирида бундай вазифани рўёбга чиқариш қийин эди, албатта. Ўша кезларда мамлакат аҳолисини тўйдириш учун зарур бўлган доннинг 80 фоизи четдан келтирилар эди. Умр бўйи пахта етиштирган деҳқоннинг «касбини» ўзгартириш, ғаллачилик технологиясини жорий этиш осон кечмади. Аммо мустақил юрт узра эсган истиқлол эпкини эртанги кунга бўлган ишончни қадам-бақадам мустаҳкамлаб борди. Бугунги кунда шуни фахр билан айта оламизки, дон мустақиллиги истиқлолимизнинг буюк муваффақиятларидан бирига айланди.

Мамлакатимизда дон етиштириш борасида катта тажриба тўпланди. Деҳқонларимиз дастлабки йилларда ҳар гектар ердан ўртача 15-20 центнердан дон ҳосили кўтарган бўлсалар ҳозирги кунда айрим миришкор деҳқонларимиз ҳайратомуз кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу борада айниқса Андижон вилояти ғаллакорларининг ютуқлари таҳсинга лойиқ. Улар мамлакатда биринчи бўлиб энг юқори ҳосилдорликка эришдилар ва барча вилоятларни уруғлик дон билан таъминладилар. Андижонликлар бу йил 70 минг гектар майдонда буғдой ҳосили етиштирдилар. Шу майдонлардан давлат буюртмаси бўйича 175 минг тонна уруғлик буғдой, 45 минг тонна товар дон топшириш учун кураш олиб борилаяпти. Вилоят бўйича дон ҳосилдорлиги ҳозирдаёқ 75 центнерга етказилди. Балиқчи туманида бу кўрсаткич 80 центнердан, Марҳамат туманида 84,5 центнер, Асака туманида 85 центнердан ошди. Бу рақамлар замирида ўзбек деҳқонининг миришкорлиги, саховатпешалиги кўринмайдими? Ахир биз яқин-яқинда ҳам тупроғимиздан шунча буғдой ҳосили олиш мумкинлигини тасаввуримизга сиғдира олмасдик. Орзу қилардик, холос. Орзуларимизни эса истиқлол рўёбга чиқарди. Мана бугун бундай юқори натижалар Бухорода ҳам, Самарқандда ҳам, мамлакатнинг бошқа вилоятларида ҳам қайд этилмоқда. Бу йил Бухоро вилоятида дон етиштириш борасида улкан бурилиш ясалди. Вилоят бўйича ҳар гектар ғаллазор ҳосилдорлиги 35 центнерга яқинлашиб қолди. Ҳолбуки, бундан икки йил аввал вилоятда давлат буюртмаси муттасил бажарилмаётган, ҳосилдорлик 25 центнерга ҳам етмаётган эди. Ромитан, Пешку, Когон, Олот, Қоровулбозор туманларидаги ҳосилдорлик эса бундан ҳам паст эди. Бугунги кунда Ромитан туманида ҳосилдорлик 35,4, Пешкуда 39,6, Бухоро туманида 40 центнердан ошди. Бухоролик ғаллакорларнинг меҳнат зафарини мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов юксак баҳолаб, табрик хати йўллагани деҳқонларнинг ғайратини янада оширди.

Хушёрликка даъват

Самарқандлик ғаллакорлар ҳам мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига ажойиб туҳфа тайёрлаш учун ғайрат қилмоқдалар. Улар бу йил 500 минг тонналик хирмон уйишга сўз бердилар. Даладаги ҳосилнинг чўғи, хирмоннинг жадал юксалаётгани сўз ва иш бирлигидан далолат бериб турибди.

Дон мустақиллигини мустаҳкамлаш муқаддас вазифа. Унинг замирида катта сиёсат, мамлакат ва миллат тақдирига дахлдор тушунчалар ётгани сир эмас. Чунки қайсидир кўнгли қора ғайир одам «фалон жойда бир киши очдан йиқилибди» деб гап тарқатса—бу мамлакатимизга қарата отилган тошдир. Ана шу тошни отишга чоғланаётганларга қарата бугунги кунда уйилаётган дон хирмонларимизни кўз-кўз қилсак, олтиндай товланиб турган бепоён ғаллазорларимиз таърифини келтирсак, шубҳасиз уларнинг шум ниятлари баҳор қуёшига дош бера олмаган муз парчаси сингари эриб кетар! Ахир мустақиллигимиздан олдинги йилларда талон билан ун олганимиз, нонни чекланган миқдорда еганимиз ҳали эсимиздан чиққани йўқ. Бу талонлар, бу чекловлар советлар замонида ишлаб чиқилган озиқ-овқат дастурининг самарасиз мевалари эканлигини унутмаганмиз.

Муҳташам пойтахтимиз Тошкентда ҳар куни 500 тонна нон ёпилади. Яна минглаб хусусий новвойлар бўрсилдоқ оби нонларни дастурхонимизга етказиб турибди. Уларнинг сифатига гап йўқ, баҳоси ҳам арзон. Қўшни мамлакатлардаги нонинг нархнавосини эшитиб ёқа ушлашдан ўзимизни тиёлмаймиз. Биздагидан бир ярим-икки баравар қиммат-а! Албатта, бундай шароитда еб турган нонимизни қўриқлаш, унинг баъзи корчалонлар қўлига тушиб, бошқа томонларга оқиб кетишининг олдини олмоғимиз ҳам лозим. Чунки, арзон нон бўлса егувчи ҳамиша топилади. Ваҳоланки бизда дон тақчил бўлган кезларда— мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида бизнинг шу муҳтожлигимиздан фойдаланишга уринган, ўз сўзларини ўтказмоқчи бўлган «Оғаларимиз» ҳам топилганди. Улар ҳамон бизда дон мустақиллигининг барбод бўлишига, пировардида қоп кўтариб боришимизга кўз тикиб турибдилар. Баралла айтишимиз мумкинки, бундай замонлар ўтиб кетди, қийин кунларимиз ортда қолди. Тошда дур ундиришга қодир бўлган ўзбек деҳқони мустақиллик шарофати туфайли ўз халқини тўйдира оладиган ризқ-рўз етиштиришни ҳам ўрганиб олди, иншооллоҳ!

Норбобо ШАКАРОВ

Уч дугона — уч моҳирўй... *Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат*

Наманганнинг катта хирмони

Вилоят деҳқонлари катта ғалабани қўлга киритдилар: давлатга дон сотиш бўйича йиллик топшириқ бажарилди. Қабул пунктларига 174 минг тоннадан ортиқ дон етказиб берилди.

Тўрақўрғон, Наманган, Учқўрғон ва Уйчи туманлари ғаллакорлари наманганликлар меҳнат ютуғига катта ҳисса қўшдилар. Ҳар гектардан олинган ҳосил 40-45 центнерни ташкил этди.

Вилоят хўжаликларида ғалла ўримйиғими давом этмоқда: яна уч минг гектарга яқин майдондаги буғдойни ўриб-янчиб олиш лозим. Ғалладан бўшаган майдонларда экиш-тикиш ишлари давом этмоқда.

(ЎзА)

«Ғалла — 99»

Оқолтиннинг оғир карвони

Оқолтин тумани нафақат пахтачиликда, балки ғаллачиликда ҳам оғир юкли туманлардан бири саналади. Бу ерда уюлган 32 минг тонналик дон хирмони мамлакатимиз ғалла мустақиллигига салмоқли улуш бўлиб қўшилди. Тумандаги Қ. Ўкибоев номли, С. Сиддиқов номли, «Фарғона», «Андижон» ширкатлар бирлашмаларида ҳар гектар ердан ўртача 33-35 центнердан, Ерлан Чўзиков, Мирза Қурманбоев, Анорбой Анқоев бошлиқ бригадаларда эса 40-50 центнердан сара дон ҳосили кўтарилди.

Туман ғаллакорлари ўз имкониятларини чамалаб, давлат буюртмасига қўшимча 3 минг тонна дон сотишга қарор қилдилар.

Бобо САРОЙ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 20 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	85,02
1 Австрия шиллинги	9,54
1 Англия фунт стерлинги	201,60
10 Бельгия франки	32,53
1 Голландия гульдени	59,55
10 Греция драхмаси	4,05
1 Дания кронаси	17,65
1 БАА дирхами	35,05
1 АҚШ доллари	128,72
1 Миср фунти	37,68
10 Испания песети	7,89
100 Италия лираси	6,78
1 Канада доллари	86,88
1 Хитой юани	15,55
10 Люксембург франки	32,53
1 Малайзия рингтити	33,88
1 Германия маркаси	67,10
1 Польша злотийси	33,07
1 СДР	171,26
1000 Туркия лираси	0,30
1 Финляндия маркаси	22,07
1 Франция франки	20,01
1 Швейцария франки	81,76
1 ЕВРО	131,23
10 Жанубий Корея вони	1,09
10 Япония иенаси	10,65
1 Россия рубли	5,29
1 Украина гривнаси	32,60

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ташаббус гуруҳи мажлиси

Андижонда Маънавият-маърифат республика кенгаши вилоят бўлими ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, маънавият-маърифатга алоқадор ташкилотлар, ижодий уюшмалар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни вилоят ҳокими Қ. Обидов олиб борди.

Сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асари ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида ўртага қўйган вазифалар асосида миллий мафкурани шакллантириш, аҳоли, айниқса ёшларни истиқлол ғояларига садоқат, юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада кучайтириш зарурлигини қайд этдилар. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишларини кўролмаётган ғаламислар айрим ёшларни ақидапарастлик ва диний экстремизм йўлига бошлашга уринмоқдалар. Маънавият-маърифат республика кенгашининг фаолияти аввало ана шундай бузғунчилик ҳаракатларининг пайини қирқишдан иборат бўлмоғига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Маънавият-маърифат республика кенгаши вилоят бўлими ташкилий гуруҳини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди, гуруҳ раҳбари тайинланди. Шунингдек, Маънавият-маърифат республика кенгашининг таъсис конференциясига делегатлар сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев мажлисда сўзга чиқди.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири

Ғаройиб тадқиқот

Остап Бендер Қўқонлиқмиз?

«Ғапни кавласанг ғап чиқади», деймиз. Россиялик ҳамкасбларимиз эса «Тарихни кавласанг ундан-да кўп ғап чиқади», дейишиб, фавқулодда муваффақиятларга эришмоқдалар. Мана, энг сўнггиси—рус матбуоти «Архив ҳужжатлари орасидан Остап Бендернинг излари топилди», дея ўз изланишларининг ғаройиб натижаларини ошкор қилди. Унга кўра, машҳур сатирик ёзувчилар Ильф ва Петровларнинг «12 стул» асаридаги лақмаларни лақиллатиб, пулини шилиб юрадиган машҳур лўттибоз Остап Бендернинг прототипи ўзбек экан. Қўқонда туғилган экан. Ўз вақтида «мен кимсан Файзулла Хўжаевнинг ўзиман» дея йигирманчи йиллари не-не ўрис шаҳарлари казо-казоларини чув тушириб кетган экан. «Труд» газетасида эълон қилинган мақола муаллифи буни шу қадар ишонч билан тасвирлайдики, гўё Остапнинг ўзбеклигига мутлақо ишониш керак, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Тарихни кавлашдан олдин унинг ўзига шунчаки бир назар ташлайлик. Йигирманчи йиллари Россияда очарчилик, бошбошдоқлик, ўғрилик ва бошқа фахш ишлар одамларнинг силласини қуритганда, минг-минглаб жулдирвақалар, чўнтакқоқарлар, илонни аврашга қодир муттаҳамлар қайси томондан қайси томонга қараб нажот юриши қилишган? Тошкентдан Уралга, Андижондан Самарага, Самарқанддан Масковгами? Йўқ, аксинча, ўша йиллари ҳамма мағзава «улуғ империя»нинг «улуғ» шаҳарларидан бизга тегирмон новидаги сувдек оқиб кела бошлагани, улар Тошкентда, Андижонда, Самарқандда жон сақлашгани ҳаммага аён-ку! Машҳур «самарски» лар иборасини эсланг, ўзи оч, ўзи ялангоч одамларимиз оғзидаги луқмасини ҳам улар билан бирга баҳам кўришган. Қўлига косов ёки гаврон олиб қувламаган. «Булар ҳам Худонинг бандалари» дейишган. Раҳм-шафқат қилишган. Бундай одамларнинг ичида ашаддий жиноятчилар, қўли қон қотиллар кўп эди. Улар эгниларини бутлаб, қоринларини тўйғизиб олишгач, меҳмонавоз халқимиз дастурхонига қўл артиб, не-не қилғиликларни қилмадилар, дейсиз. Эллигинчи, олтмишинчи ва ҳатто етмишинчи йиллари мамлакатимизда уюшган гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ҳужжатларга бир назар ташланг — қора саҳифалар орасида Остап Бендернинг неча юзлаб миллатдошларини учратасиз, уларнинг нақадар оғир қилмишларидан вужудингиз зирқираб кетади. Қўқонлик битта фирибгарнинг қилмиши катта бир асарнинг юзага келишига туртки бўлган бўлса, нега энди ўзимизда кечган бундай юзлаб, минглаб воқеалар ўзбек ижодкорлари қўлига қалам тутқазмади экан? Остап Бендердан маҳорат бобида юз бора, минг бора ошиб кетган, битта бўшашганни, битта анқовни эмас, бутун мамлакатни, бутун халқни, бутун маданиятни шилиб ташлаган, қийратиб ташлаган, вагонларга юклаб ўмариб кетган замонавий Остаплар тўғрисида нега бизнинг матбуотимиз, адабиётимиз кам ёзади? Тарих қатларидаги бу ноёб ҳужжатлар нега бизни илҳомлантирмайди?

Шу ерга келганда, халқимизга офарин, деб юборганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз. Негаки, бизнинг халқ, шулар қаторида адибларимиз жиноятнинг, жиноятчининг миллати бўлмаслигини яхши англайди. Борди-ю, рус тарихчилари олдида Остап Бендернинг миллатини аниқлаш керак бўлиб қолган бўлса, уни ҳамма миллатдан, ҳамма жамиятдан ва ҳамма вақт ҳам топиш мумкин. Ва яна, бадиий асарнинг хамиртуруши шу адабиёт мансуб бўлган халқ ҳаётидан олинади, битта эмас, юзлаб, минглаб ҳаётий фактлар, воқеа-ҳодисалар умумлаштирилади. Буни ҳозирги айрим шоввоз тадқиқотчилар билмасалар-да, «12 стул» муаллифлари яхши англаган бўлишлари керак.

Яна Остап Бендерга келадиган бўлсак, у ташлаган уруғлар бугун рус жамиятида бехато униб чиқди. Мамлакатни жиноятчилик, фирибгарлик, лўттибозлик эгаллаб олди. Остап бир вақтлар содда городовойларни 25-30 рублга лақиллаттан бўлса, бугунги янги Остаплар бу рақамларни миллиардлар даражасига кўтардилар. Миллионларни ўмариш Россияда бугун оддий бир эрмак бўлиб қолди.

Рус матбуотининг ёзишича, Россияда бугун фирибгарлик, товламачилик, ўғрилик ва босқинчилик авж пардасида. Сохта ҳужжатлар билан банклардан катта миқдорда пул олиш, одамлар кўз ўнгида омборларни ўмариш, четдан келаётган моддий ёрдам пулларини туяни ютгандай сув қилиб юбориш ҳеч гап эмас. Мамлакат аэропортларида қаллоблик, товламачилик учига чиққан. Шереметьево аэропорти орқали ўтаётган саёҳатчилар юкларининг ҳар учдан биттаси титкиланмоқда. Домодедовода ҳар икки йўловчига биттадан киссавур тўғри келади. Ушбу сатрларни қоғозга туширaётганимда ўқиб қолдим. Ёшгина хорижлик меҳмон аёл Москвадаги «ГУМ» магазинига кирган. Аёллар кийимлари бўлимида унга нуроний бир рус аёли мурожаат қилиб «Қизим, бугун набирамнинг туғилган куни, шу кўйлакни олмоқчи эдим, аммо тўғри келармикин, деб иккиланиб турибман. Бўй-басти худди сенга ўхшайди, илтимос, кийиб бер, деган. Меҳмон хўп, деб ичкарига кириб янги кўйлакни эгнига солган. Қайтиб чиқса на кампир бор, на ўзининг жомадони.

Ильф билан Петровлар ҳаёт бўлишганида «ГУМ»-даги бу воқеа уларни қанақа янги асарга илҳомлантирарди экан-а?..

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Маънавиятимиз кашшофларидан бири

Орамиздаги одамлар

Бундан бир неча йил олдин юртбошимиз Алишер Навоий номидаги театр биносида мамлакатимиз шарқшуносларининг сардори, машҳур фидойи олим, марҳум Убайдулла ака Каримовга Бобур номидаги Олтин медални тантанали равишда топшираётиб шундай деган эдилар: «Убайдулла ака, мен сизнинг маънавиятимиз равнақи учун қилган улуғ хизматларингиз олдида бошимни эгиб таъзим қиламан!» Бундай ажойиб, самимий сўзлар маънавиятимиз кашшофлари бўлмиш биз шарқшуносларга берилган энг буюк баҳо эди. Чунки шу пайтгача заҳматкаш ва фидойи шарқшунос олимларимизни давлатимизнинг олий раҳбарларидан ҳеч бири бундай юксак даражада баҳоламаган эдилар. Бундай буюк баҳони ўша анжуманда тўпланган барча шарқшуносларнинг кўзларимиз қувонч ҳисларидан туроб бўлиб барча шарқшуносларимизнинг сардори Убайдулла акага беҳад ҳавас қилиб, ўта ҳаяжонланган ҳолда ўтирар эдик.

Мен ушбу мақолада марҳум Убайдулла аканинг шогирдларидан бири, ҳассос арабшунос-шарқшунос олим Убайдулла Уватов ҳақида ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

У.Уватов Тошкент Давлат дорилфунунининг Шарқ факультети араб бўлимини тугатгач, Шарқшунослик институтида бир неча йил фаолият кўрсатди. XV аср машҳур араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-Мақдур фи тарих Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») номли йирик асарини арабчадан ўзбекчага таржима қилиб, сўз боши ва мукаммал изоҳлар билан тўлдириб номзодлик тадқиқотини ёзган ва ҳимоя қилган.

Олим айни шу кунларда эса Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасида раиснинг биринчи ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

У.Уватов узоқ йиллар Миср, Ироқ, Ливия каби араб мамлакатларида ишлади. У туркистонлик улуғ бобокалон алломаларимизнинг асарларини излаб топиб, синчиклаб ўрганиб Ватанимизга олиб келди ва ҳамкасаблари, шогирдлари ва сафдошлари билан бирга уларни ўзбек тилига ағдариш ҳамда улар асосида чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш билан машғул бўлиб келмоқда. У ҳозир буюк муҳаддислар Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий илмий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, илмий тадқиқот яратиб уни докторлик иши сифатида ҳимоя қилиш арафасида турибди. Бинобарин, мустақиллигимиз шарофати туфайли ёзилган бу тарздаги тадқиқотлар бу йўналишдаги илк ишлардан ҳисобланади.

У. Уватов Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, ибн Арабшоҳ, Маҳмуд аз-Замахшарий, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, ад-Дорамий Самарқандий, бир гуруҳ ан-Насафийлар сингари буюк мутафаккир ва муҳаддис алломаларимизнинг қимматбаҳо илмий меросларини ҳар томонлама илмий-танқидий ўрганиб 15 дан ортиқ монография, рисолаларни ўз мухлисларига тақдим қилди.

Жумладан, олим мустақиллик йилларида кўплаб тарихий асарларни таржима қилиб нашрга тайёрлади ва халқимиз ҳукмига ҳавола этди. Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» номли асарини араб тилидан таржима қилиб, изоҳлари билан нашр эттирди. Асарнинг У. Уватов томонидан амалга оширилган ўзбекча таржимаси эса биринчи маротаба батафсил изоҳлар билан тайёрланганлиги боис катта илмий аҳамиятга моликдир.

Захматкаш олим шунингдек, «Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида» номли рисолада Амир Темурнинг шахси, унинг ҳарбий юришлари ва дипломатик алоқалари XV аср араб муаррихлари аксар ҳолда ўша воқеаларнинг жонли гувоҳларининг маълумотларига асосланиб ёритилган. Кўп фактик маълумотлар биринчи маротаба илмий муомалага киритилгани учун ҳам бу асар жуда қимматлидир. Бундан ташқари Маҳмуд аз-Замахшарийнинг катта тарбиявий қимматга эга бўлган панду-насиҳатлар ва ҳикматларини ўзида мужассам қилган «Нозик иборалар» асарини нашрга тайёрлади. Ушбу асар ҳозирги давр учун алоҳида аҳамиятга моликдир. Бу иккала асар ҳам алломанинг 1995 йилда нишонланган 920 йиллик юбилейига муносиб совға бўлган эди.

Убайдулла Уватов «Амир Темур жаҳон тарихида» (Тошкент, Шарқ, 1996); «Мозийдан таралган зиё» (Тошкент, Шарқ, 1998) номли асарларни нашрга тайёрлашда иштирок этди. Соҳибқирон Амир Темур ва ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий юбилейлари муносабати билан бир гуруҳ олимларимиз томонидан яратилган ушбу икки йирик асардаги катта қисмлар У. Уватов томонидан ёзилган. Мазкур тадқиқотлар буюк аждодларимиз Имом ал-Бухорий, Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳаққоний ёритилиб, бу улуғ сиймоларнинг жаҳон тарихи ва маданиятида тутган юксак ўринларини аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлган эди.

Маънавиятимизнинг толмас ва фидойи кашшофларидан бири, олим Убайдулла Уватов истиқлол илҳоми билан тўлибтошиб ижод этмоқда.

Ориф УСМОН,
Ўзбекистон РФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори

Ўлат билан ўйнашганнинг жазоси бор

Гиёҳвандлик — иллат

Гиёҳвандлик — даврнинг энг даҳшатли иллатларидан бири. У минглаб одамлар умрини барбод қилмоқда. Кўплаб ёшларни жиноятчилик, қонунбузарлик ва маънавий тубанликка етакламоқда. XX аср вабоси деб ном чиқарган СПИД касалини келтириб чиқарувчи асосий манбалардан бири ҳам гиёҳвандлик эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясида гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш ҳақида махсус қарор қабул қилинган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда гиёҳвандлик жамият тараққиёти учун ҳам ўта хавфли муаммолардан бири бўлиб қолаётир. Унга мубтало бўлган кишилар жамият учун фойдали бўлган меҳнатдан тобора четлашиб борадилар. Руҳан қашшоқ, дангаса, хаёлпараст ҳамда ҳаётга бефарқ қарайдиган танбал бўлиб қоладилар. Энг хавфлиси гиёҳванд кимса ўз дардига малҳам ахтариб бор-йўғидан, оиласидан ажралиши мумкин. Бу ҳам етмагандай оғир жиноятларга қўл уриб, ўғирлик содир этиши ҳамда бировларни талаб босқинчилик, ҳатто қотиллик қилишдан қайтмайдиган кимсага айланиши табиийдир.

Гиёҳвандлик моддалари таассуфки, жиноий хатти-ҳаракатларнинг бутун бир қатламини келтириб чиқаради. Шунингдек, республика ҳудудида содир этилаётган жиноятларнинг кўпчилиги у ёки бу даражада гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бўлганлиги ҳам ана шундан далолат беради.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида йил бошидан буён республика бўйича наркотик моддалар билан боғлиқ 3939 та жиноят аниқланиб, жиноятчилардан 485 килограммдан ортиқ гиёҳванд моддалар тортиб олиниб, йўқ қилинган.

Таркибида наркотик бўлган ўсимликларни ғайриқонуний равишда экиб етиштиришга қарши курашда вертолёт техникасидан унумли фойдаланиш натижасида шундай ўсимликлар экилган майдонлар саҳнини қисқартиришга эришилди. Бу республикамиз ҳудудларида наркотикли ўсимликларнинг ғайриқонуний етиштирилишини доимий равишда назорат қилишга имкон бермоқда. Жорий йилнинг 1 майидан бошлаб республикамизда «Қорадори-99» тадбири кенг кўламда олиб борилмоқда. Мазкур тадбир давомида республикамиз бўйича жорий йилнинг шу кунига қадар таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликлар экиб, етиштирилаётган 1009 та ҳолат аниқланиб, 2,4 гектардан ортиқ майдондаги шундай ўсимликлар йўқ қилинди. 762 та ҳолатда ёввойи равишда ўсаётган наша ўсимлигини йўқотишга чора кўрмаганлиги учун 402 нафар раҳбар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Жиноятчилардан 214 килограммга яқин наркотик моддалар олинди. Шунинг 14 килограммдан ортиғи героин, 53 килограмми қорадори, 81 килограмми гашиш, 27 килоргаммдан зиёдроғи марихуана ва 38 килограммдан зиёдроғини кўкнор наркотик моддалари ташкил этади.

Самарқанд вилояти ички ишлар идоралари ходимлари Тойлоқ тумани ДАН масканида Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида яшовчи 1948 йилда туғилган фуқаро Мамасодиқ Шарипов бошқарувидаги давлат белгиси п 21-32 ДБ бўлган КамАЗ юк машинасини текшириб кўришганида унинг ёнилғи сақлаш баки ичидаги махсус ясалган мосламага яширилиб қўйилган 57 килограммдан зиёд ўткир гиёҳвандлик моддаси ҳисобланмиш гашиш ва 10 килограммга яқин қорадори моддалари топилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан гиёҳвандлик моддалари ишқибозлари қўлга олинишига қарамасдан ҳамон бу оғуни пуллаш, мўмай даромад орттиришга интилувчилар учраб турмоқда. Бир чимдими фалон пул эканлигини эшитган қалби сўқир кимсалар уни сотиш пайида бўлиб, қўлга тушганларидан сўнг минг пушаймон ейдилар.

Гиёҳванд моддалар билан олдисотди қилувчиларнинг ёши, касб кори ва миллати турли хил бўлмасин борадиган жойлари битта. Улар жиноят эшигини қоққан, оиласини, ортида йиғлаб қоладиган норасида фарзандларини унутган кимсалардир.

Бўлмаса, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида 4 килограммга яқин қорадори гиёҳванд моддасини 1400 АҚШ долларига сотишга уринган 50 ёшдан ошган, беш фарзанднинг онаси Чаман Хўжаеванинг қилиғини қандай тушуниш мумкин? Наҳотки у Термиз шаҳрида ва Тожикистон Республикасида яшовчи жиноий шериклари Абдурафиқ ва Акбар Бўтаевлар билан бирга ушбу моддани сотишдан олдин ўз фарзандлари тақдирини ўйламаган бўлса?...

1999 йил 5 июнь куни Сурхондарё вилояти Денов шаҳри ҳудудида Узун тумани Б. Омонов жамоа хўжалигида яшовчи 1975 йилда туғилган Алишер Хидиров, шу туманнинг Боботоғ қишлоғида яшовчи 1960 йилда туғилган Мулло Нуралиевлар 1 килограммдан зиёд героин гиёҳванд моддасини 4800 АҚШ долларига сотаётганларида ушланганлар.

Қарши тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари ҳам «Қорадори» тадбирида фаол қатнашмоқдалар. «Душанбе-Москва» йўналишидаги поездда кетаётган йўловчи милиция ходимларига шубҳали бўлиб туюлди. Ушбу йўловчи шими почасидан тушган бир дона изолентага ўралган бўрмисон бўлакча очиб кўрилганида унга героин моддаси яшириб қўйилганлиги аниқланди. Йўловчи Раҳим Бахромов ички ишлар бўлимига келтирилганида ўзининг уятли жойида кўп миқдордаги гиёҳванд моддаларини олиб ўтаётганлигини тан олди. Шифокорлар кўмагида 88 та бўрсимон бўлакчага ўралган 407 грамм миқдордаги ўта хавфли героин моддаси олинди. У бу оғуни Россия ўлкасига олиб ўтиб, катта миқдорда пулламоқчи бўлганлигини билдирди.

Бир этак болаларга бобо бўлган, мўйсафид кишининг қинғир ишга қўл урганлигини таърифлаб бўлмаса керак. Чироқчи туманида яшовчи 57 ёшли Бахтиёр Қиличев ўзининг таниши Қамаши туманидаги Майда қишлоғида яшовчи Раҳматилла Ҳазратовнинг уйида 4 килограмм 600 грамм миқдордаги марихуанани 500 минг сўмга сотаётганда қўлга олинди.

Бахтиёр Қиличев қилиб қўйган ишидан қаттиқ пушаймонда. Аммо у бу қора оғуни сотиб машина олиш ўйида юрганида ҳеч нарсани ўйламаган эди. Даста-даста пулларнинг ёқимли шақир-шуқуридан масту ганг бўлиб қолган Қиличев ўзгалар ҳаётини зулумотга ошно этаётганлигини ёддан чиқариб қўйганди. Бировга чуқур қазима ўзинг тушасан деганлари шу бўлса керак. Айни пайтда бу шахс устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлар, факт ва рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, Интерполнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланган республикамизда гиёҳвандлик ва у билан боғлиқ жиноятларга қарши курашга доир собитқадамлик ҳамда ҳамжиҳатлик билан самарали ишлар олиб борилмоқда.

Ботир ЗИЯЕВ,
ИИВ Матбуот маркази бошлиғи, милиция подполковниги.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ, навбатчи Бобомурод РАЙИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0532

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 01.19
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Коперникка қарши... Боғибек

Бу ҳазил эмас

... Хоразм вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Фан ва техника маркази бошлиғи, иқтисод фанлари доктори, профессор Бахтиёр Рўзметов олдимга бир қўлёзмани қўйиб, изоҳ берди: «Биласизки, эрамизнинг иккинчи асрида юнон олими Клавдий Птоламей геоцентрик системани яратган. Буюк поляк олими Николай Коперник эса бунинг мутлақо тескариси бўлган гелиоцентрик системага XVI аср бошларида асос солди. Бир қараганда сўнгги бу назария фанда темир қонунга айланган. Лекин... оддий қишлоқ кишисининг мана бу қораламаларини кўринг».

Атиги ўттиз уч саҳифадан иборат бўлган «Астрономия янгиликлари» деб шартли номланган қўлёзма муаллифи олим эмас, ҳатто бу соҳага алоқасиз одам. Муаллиф ўзини таништиришга бағишланган қисқа изоҳда шундай ёзади: «Мен 1939 йилда Хонқа туманидаги Қорамози қишлоғида туғилганман. Иккинчи жаҳон уруши даврида отам ва онам вафот этганлар. Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтимда астрономияга — само илмига қизиқдим. 1957йилдан токи қарилик пенсиясига чиққунга қадар Хонқа туманидаги Ожунбобоев номли хўжаликда бригада ҳисоб юритувчиси, бригадир, механик, агроном ва қурилиш бригадаси бошлиғи лавозимларида ишладим. Маълумингизким, далада ишлаган одам синчков бўлади. Йил бўйи — асосан баҳор, ёз ва куз ойларида ҳатто тунларни ҳам далада ўтказасан. Ана шундай пайтларда самодаги юлдузлар ҳаракатини кузатиб, доимо ён дафтарчамга қайдлар қилиб бордим. 41 йил давомида ўтказган кузатишларим натижаси ўлароқ мен Птоламейнинг геоцентрик назарияси тўғри, деган ҳулосага келдим. Буни ўз кузатишларим хулосаси сифатида юзага келган мазкур ўнта вариантда тўлатўкис исбот қилиб бераман...»

«Қўлёзма» анча ихчам. Гарчи унда қуёш, ер, сайёралар, ой ва юлдузларнинг жойлашиш ўрни, ҳаракатланишини кўрсатувчи ўнлаб чизмалар мавжуд бўлса-да, қишлоқ астрономи ўз ўрганиш, кузатиш хулосаларини жуда қисқа баён қилади. Бунда эса у жаҳон астрономия фани тарихида ўтган ўнлаб машҳур олимлар хулосаларига илмий ёндашиб (танқидий ёндошиб десак тўғри бўларди) ўз қарашларини яратган бўлсада, асосий «исбот қилувчи манба сифатида «кўзгалмас» шимолий қутб юлдузи жойлашуви ва унга нисбатан бошқа само жисмларининг ҳаракатланишини олади...

Кейин Боғибек ака билан бир неча марта учрашдик. У кишининг тегишли идораларга боргани, пойтахтда бўлгани, астрономия институти олимлари билан баҳсли мунозаралар олиб борганини билиб олдим. «Қўлёзмани» бир неча марта синчиклаб ўқиб, қомусий адабиётлардан шу ҳақдаги илмий мақолаларни солиштиргач, оддий қишлоқ астрономи қарашларини матбуотга олиб чиқиш кераг-ов, деган тўхтамга келдим. Боғибек ака бунга рўйхуш берарканлар, қўшимча қилдилар: «Ҳали бу «назариям» ҳақда бирорта масъул ташкилотдан патент олганим йўқ. Шу боисдан матбуотга ўнта вариантнинг фақат бир вариантини олиб чиқишингизга рухсат бераман!»

Мана ўша кузатишлар хулосаси: «...Ер сайёраси атрофида бошқа сайёралар айлана бўйлаб, ҳар хил узоқликда, ҳар хил тезликда — физика қонунига асосан ўнгдан чапга — соат милларига тескари айланадилар. Бу Ер экваторига уйқаш йўналишга тўғри келади. Фақат Қуёш Ер экваторига нисбатан шимолий ва жанубий қутбларга 23-27 градус оғиб, айлана бўйлаб ҳаракатланади. Қуёшнинг атрофида фақат Марс сайёраси айланади. Буни қуйидаги чизмалар орқали исботлайман...»

Биз ўрта мактаб дарсликларида бу ҳақда кўп ўқиганмиз. Маълумки, милоддан аввалги иккинчи асрда яшаган юнон олими Гиппарх қуёш апогейининг ҳаракатланувчанлиги ҳақидаги фикрни айтган. Лекин, бунга ҳеч бир далил келтирмаган. Юнон олими Клавдий Птоламей геоцентрик системани ишлаб чиқади ва «Алмагит» асарини яратади. Птоламей ўз назариясининг нотинч эканлигини айтади, лекин сабабини кўрсатмайди. Айтмоқ жоиз Берунийда ҳам, Улуғбекда ҳам Птоломей назариясининг асосий ўрин эгаллайди. Коперник эса бу назарияни фаннинг дин билан аралашуви деб баҳолаб рад этади...

Тўғри, ҳозирда самода минглаб сунъий йўлдошлар учиб юрган, сунъий йўлдошлар энг узоқ сайёраларга қадар етиб борган бир пайтда қайси само жисми қайсисининг атрофида айланиши ҳақида гап сотиб ўтириш кулгули туюлади. Ва, айни пайтда ҳали само илми билан боғлиқ кўплаб назарияларнинг гипотеза эканлигини ҳам инобатга олмоқ керак. Чунки, фанда ер ва қуёш оралиғи 150 миллион километр деб шартли равишда олингани, бу масофани аниқ ўлчаш имкони йўқлиги, масофани ўлчашда қўлланиладиган тўлқинларнинг қуёш қатламидан қайтиб келмаслиги... ҳам бор гап.

Демак, қорамозилик оддий деҳқон Боғибек Йўлдошевнинг қирқ йиллик кузатишлари ҳосиласи бўлган мазкур «қўлёзма-асар»ни мутахассислар ўқиб чиқиб, аниқ фикрларини айтишлари керакка ўхшайди.

Боғибек аканинг назариясининг қимматидан кўра ҳам оддий қишлоқ деҳқонидаги қизиқувчанлик, синчковлик таажжубга солди. Бор-йўғи ўн синфлик маълумотга эга киши умрининг ярмидан кўпроғини астрономияга бахшида этгани, бундан бирор манфаат кўзламагани ёки ўзи айтмоқчи: «...мен бу кузатишларим самарасини фақат Оллоҳ умр берса пенсияга чиққандан сўнггина эълон қилмоққа аҳд қилганман» дейиши таҳсинга сазовор.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Даврон АҲМАД олган сурат

— Нима деб пичирлашаётган экан-а?!

Нуронийлар дона сурганда

Шатранж оламида

Инсон тафаккурининг ажиб мўъжизаларидан саналувчи қадимий ва ҳамиша навқирон шахмат ўйини на жой танлайди, на ёш. Бош омон бўлса бас. Шу оддий ҳақиқатдан хулоса ясаган германиялик бир гуруҳ жонкуяр мутахассислар бир неча йилдирки, спортнинг шахматдек ҳаммабоп турини амалда тарғиб қилиш йўлида саъй-ҳаракат қилишмоқда. Унинг самараси эса фахрийлар ўртасида норасмий ҳисобланса-да, ҳар қалай жаҳон биринчиликларини ўтказиб келинаётганида кўринмоқда. Баҳсларда 60 ёшдан юқори эркак ва 50 ёшдан ўтган аёл шахматчилар дона сурадилар.

Мана 5-6 йилдирки бизда ҳам нуронийлар ўртасида республика биринчиликлари ўтказилиб, унинг ғолиблари жаҳон чемпионатларида қатнашиб келишмоқда. Натижалар ҳам чакки эмас. Бир гал спорт устаси Евгений Мухин тўртинчи бўлган бўлса, иккинчисида, Георгий Борисенко саккизинчи ўрин билан қаноатланди. Энг муҳими улар бир вақтлар жаҳонга донг таратган гроссмейстерлар — Василий Смислов, Ефим Геллер, Марк Тайманов сингарилар билан куч синашиш бахтига муяссар бўлганлар.

Куни кеча республика шахмат клубида якунланган нуронийлар биринчилигида 15 нафар шахматчи иштирок этиб, уларнинг ярмидан кўпи ўз даврида Ўзбекистон чемпионатларида кўп маротаба қатнашган, республикамиз шуҳрати учун курашган спорт усталигига номзодлар эди. Буни қарангки, икки хафталик баҳслар оқибатида 14 имкониятдан 11,5тадан очко жамғарган етмишни қоралаб қолган физика-математика фанлари доктори, профессор Лев Коган билан муҳандис Григорий Бударин биринчи-иккинчи ўринларни баҳам кўрар эканлар, бошқаларга қарата: бизни ютишга ҳали ёшлик қиласизлар, дегандек ишора қилдилар. Қўшимча кўрсаткичларга кўра, чемпионлик ва жаҳон биринчилигига ягона йўлланма Л. Коганга насиб этди. Учинчи соврин Сергей Федяшинга, тўртинчиси Одил Сиддиқовга ва бешинчиси Э. Бекировга тегди. Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси ва шахмат федерацияси совринларини федерациямиз президенти Элдор Ғофуров эгаларига топширди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ

Кимда-ким республикада тадбиркорликни янада ривожлантиришда амалий ёрдам бериш бўйича аниқ таклифларга эга бўлса, юзага келган масалаларни ҳал этишда «Асака» банк ёрдами зарур бўлган барча шахслар *ҳар куни* (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) *соат 10 дан 17 гача*

(371) 120-62-52 ишонч телефони орқали қўнғироқ қилишлари мумкин.

ASAKA BANK

Тошкент ш., Нукус кўч., 67 уй

Тошкент шаҳар 30- техника билим юрти томонидан 1981 йилда Нодир Муҳитдинович Пўлатов номига берилган №040284 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзавтолицензия томонидан 1996 йил 12 декабрда Фарғона шаҳар 5-КХАКга берилган АТ-0063901, АТ-0063700, АТ-0063961 серияли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, партиянинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси аъзоси Д. Ғуломовага турмуш ўртоғи **Зохиджон УСМОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгаши «Ёшлик» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Ш.Ҳ. Асомовга волидаи муҳтарамалари **Марҳабо ая АСОМОВАнинг** вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Саодат» журнали жамоаси Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. М. Ғуломовага умр йўлдоши **Зохиджон УСМОНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Ёшлик» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Ш.Х.Асомовга волидаи муҳтарамалари **МАРҲАБО аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83